

# Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi [www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz) 2013-YIL 30-MAY, PAYSHANBA, 66 (8147)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



**1 ИЮНЬ - ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ**

## Куннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимизда Жаҳон допингга қарши кураш агентлиги таркибига кирувчи Минтақавий допингга қарши кураш агентлиги Ижроия қўмитасининг йиғилиши, допингга қарши кураш бўйича инспекторлар тайёрлаш бўйича семинар-тренинг бошланди. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Жаҳон допингга қарши кураш агентлиги, Марказий Осиё минтақавий допингга қарши кураш агентлиги, Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Мўғулистон ва Покистон каби мамлакатлар вакиллари иштирок этмоқда.

► Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг Наманган вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалиги соҳасида сувдан фойдаланиш, сувни тежайдиган илғор технологияларни жорий этиш, сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш ишлари батафсил таҳлил этилди.

► Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонасида мамлакатимизда чоп этилаётган нашрларга халқаро стандарт рақам (ISBN) ва халқаро стандарт серия рақамини (ISSN) бериш бўйича электрон хизматлар тақдими бўлиб ўтди. Тақдирот маросимида Китоб ва журналларни интерфаол шаклда стандарт рақамлаш халқаро тизимида ISBN ҳамда ISSN рақамларини рўйхатдан ўтказиш ва олишга ёрдам берадиган янги хизмат намоиш этилди.

## САҲИФАЛАРДА:



**ЭКСПОРТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ**

2



**БИРИДА ГУЛ, БИРИДА ЧЎЛ**

4



**МИТТИ ТУХУМНИНГ КАТТА ФОЙДАСИ**

5

## БАНКЛАР МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА ЛОЙИХАЛАРИ УЧУН КРЕДИТЛАР АЖРАТАДИ

Ўзбекистондаги Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар дастури фаолиятига беш йил тўлиши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши вакиллари, кўплаб фермер ва тадбиркорлар иштирок этишиб, ташкилот томонидан ўтган вақт давомида амалга оширилган лойиҳалар натижалари таҳлил қилинди.



Аҳамиятлиси, тадбир давомида банклар томонидан муқобил энергетика лойиҳалари учун кредитлар ажратилиши маълум қилинди. Кредитлар қанча миқдорда, қандай шартлар асосида берилишига оид тафсилотлар ҳозирча маълум эмас. Аммо хабарга кўра, мазкур имтиёзли кредитлар ҳақидаги маълумотларни жойлардаги банк муассасаларидан олиш мумкин.

Соҳа мутахассислари томонидан ҳам молиявий механизмлар янада кенгроқ қўлланилса, яъни мамлакат банклари томонидан ушбу турдаги маҳсулотлар учун юридик ва жисмоний шахсларга имтиёзли ипотека кредитлари (ҳозирда маиший техника харид қилишга бўлган каби) ажратилиши йўлга қўйилса, муқобил энергетика тизимини ривожлантириш учун туртки бўлиши борасида кўплаб фикрлар билдирилаётган эди.

Президентимизнинг жорий йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривож-

лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра, соҳани ривожлантириш учун бир қатор, жумладан, Фанлар академиясининг «Физика-куёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари иштирокида Тошкент шаҳрида Халқаро қуёш энергияси институти ташкил қилиш, мамлакат ҳудудида бир нечта қуёш электростанцияларини бунёд этиш, қуёш панелларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш каби хайрли ишларни амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, Президент фармонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013 йилнинг I ярим йиллигида «Муқобил энергия манбалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини киритиш вазифаси ҳам юклатилган.

## ОРОЛ ХУДУДИДА НЕФТЬ ВА ГАЗ ЗАХИРАСИ

Ҳисоб-китобларга кўра, «Aral Sea Operating Company» (Aral Sea) томонидан олиб борилган геологик қидирув ишлари натижасида Орол денгизининг ғарбий ҳудудида аниқланган углеводородлар захираси 15 миллиард кубометр табиий газ ва 1 миллион тонна нефтни ташкил этади.

Кейинги босқичда қидирув ишлари Шарқий Орол ҳудудида ҳам олиб борилади, бу жуда оғир ҳудуд бўлиб, катта сарф-харажатларни талаб этади.

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати ва «Ўзбекнефтегаз», Россиянинг «Лукойл Оверсиз», Малайзиянинг «Петронас» (2011 йил май ойида ушбу компания лойиҳадан чиққан ва унинг улуши қолган иштирокчилар ўртасида бўлиб олинган), Кореянинг KNOC ва Хитойнинг CNPC ширкатлари иштирокидаги халқаро консорциум ташкил этилиб, ушбу ҳудудда жойлашган нефть ва газ захираларини аниқлаш ҳамда ўзлаштириш бўйича муддати 40 йилга тенг бўлган шартнома тузилган эди. Келишув шартларига кўра, консорциумнинг ҳар бир иштирокчиси биринчи босқичда қазиб олинган маҳсулотнинг 10 фоиз улушига эгалик қилади, Ўзбекистон томонининг энг минимал улуши эса 50 фоизга тенг. Шартнома 2007 йил январидан кучга кирган.

2011 йилдаёқ инвесторлар консорциуми геология-разведка ишларини амалга ошириб, бунинг натижасида Ғарбий Оролда янги конлар очилган эди. 2013 йилда ҳам Оролнинг ғарбий қисмида геология-разведка ишлари давом эттирилади. Мазкур ишлар учун инвестициялар миқдори 32 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

## «GENTRA» – ЭКСПОРТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ РУСУМДАГИ АВТОМОБИЛЬ

«GM Uzbekistan» Америка—Ўзбекистон қўшма корхонаси Россияда «Gentra» русумидаги янги автомобилнинг тақдимот маросимини ўтказди.

C-классдаги «Gentra» седан автомобили «Lacetti» платформаси асосида яратилган бўлиб, унга 105 от кучига эга бўлган тўрт цилиндрли мотор ўрнатилган. Механик трансмиссияли «Gentra» шаҳарда 100 километр масофага 8,46 литр ёнилғи сарфлайди.

«GM Uzbekistan»нинг янги маҳсулоти асосан экспортга мўлжалланган бўлиб, Россияда 1 июндан сотувга чиқарилиши кутилмоқда. Жорий йил биринчи чорагида Ўзбекистондан Россияга автомобиль экспорти ҳажми ўтган йил шу даврга нисбатан 13 фоизга кўпайиб, 15 минг 898 донани ташкил қилган.

Январь-март ойларида Россияда «Nexia» автомобили савдоси 11 фоизга (9345 дон) ва «Matiz» савдоси 16 фоизга (6553 дон) кўпайган.

Ҳозир «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида «Nexia», «Lacetti», «Malibu», «Cobalt», «Matiz», «Spark», «Captive» ва «Damas» автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда.



## «SAMAUTO LE 60» АВТОБУСИ ЎЗБЕК КОНСТРУКТОРЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛИ

Пойтахтимиздаги 12-автобус саройи томонидан «Сергели 12-мавзеси» — «Тошкент» вокзали йўналишида ҳаракатланувчи янги автобуслар синов амалиётлари йўлга қўйилди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси маълумотларига кўра, Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган «SamAuto LE 60» русумли мазкур автобуслар маҳаллий конструкторлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Тошкент шаҳри аҳолисига 40-йўналишли автобуслар маршрути бўйлаб йўловчиларни ташвиш хизматларини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш лозимки, «SamAuto LE 60» русумидаги замонавий автобуслар йўловчиларнинг транспортга чиқиш ва тушишида қўшимча қулайлик яратиб беради. Ушбу машиналар саломи эса табиий вентиляция мосламасига эга, шунингдек, йўналиш ҳақида ахборот берувчи электрон йўлқўрсаткич билан жиҳозланган.

«SamAuto» корхонаси 2006 йил 100 фоиз ички инвестициялар ҳисобига ташкил этилган эди. Бу ерда ҳозирда «ISUZU» русумидаги автобуслар ишлаб чиқарилмоқда.

## «GOOGLE» ЛОЙИХАСИДА ЕР ШАРИ МАНЗАРАЛАРИ

«Google» компанияси Ер шари минтақалари манзараларининг сўнгги 28 йилдаги ўзгаришларини кузатиш имконини берадиган «Timelapse» лойиҳасини тақдим этди. Бу ҳақда «Google»нинг расмий блогида хабар берилган.

Лойиҳа асосида «Google Earth Engine» платформаси туради. «Timelapse» лойиҳаси HTML5 форматидagi интерфаол суратларни ўз ичига олган. У «Landsat» сунъий йўлдоши томонидан 1984 йилдан 2012 йилга қадар олинган суратларнинг хронологик кўринишида бир-бирини алмаштиришидан ташкил топган.

Жумладан, интерфаол суратлар орқали, мисол учун, Амазония тропик ўрмонларининг қандай кесилганини, Лас-Вегас шаҳри қандай катталашганини, Дубайдаги Пальма ороллари қурилиши ва Орол денгизи қуриши жараёнларининг барча босқичларини томоша қилиш мумкин. Фойдаланувчига «Google» томонидан са-

раланган бир нечта минтақа суратлари тақлиф қилинади (улар орасида Орол денгизи ҳам бор), бироқ Ернинг бошқа нуқталаридаги ўзгаришларни ҳам кузатиш мумкин.

Лойиҳа «Google»нинг АҚШ Геология хизмати, «NASA» космик тадқиқотлар давлат муассасаси, «Time» журнали ва Карнеги-Меллон университети билан ҳамкорлиги маҳсули ҳисобланади. Компания «Timelapse» лойиҳаси бўйича ишларни 2009 йилда бошлаган эди. Лойиҳа учун суратлар сунъий йўлдош томонидан олинган 2 миллиарддан ортиқ фотосуратлар коллекцияси орасидан саралаб олинган.

«Google Earth Engine» – сунъий



йўлдошдан олинган фотосуратларни қайта ишлаш имконини берадиган ҳисоблаш платформасидир. Ундан Ер сатҳини мониторинг қилиш ва ўрганиш учун фойдаланилади. Мисол учун, унинг ёрдамида ўрмонларнинг кесилиши ва ҳаҳон сув ресурслари харитасини тузиш мумкин.

Азиз НУРУЛЛАЕВ



ЎЗБЕКИСТОН  
SAVDO-SANOAT  
PALATASI

«БИР ТАДБИРКОР—УЧТА ҲАМКОР»

Гулистон давлат университетининг «Ёшлар маркази»да «Бир тадбиркор—учта ҳамкор» акциясининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда Савдо-саноат палатаси, вилоят прокуратураси, вилоят Солиқ бошқармаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал Демократик партияси, «Микрокредитбанк» ОАТБ ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Касаба уюшмалари бирлашмаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Акциянинг вилоят босқичига вилоятнинг барча туман, шаҳарларидан илғор тадбиркорлар ва тадбиркорликни бошламоқчи бўлган ёшлар ҳамда коллеж битирувчилари таклиф этилди.

Семинар сўнгидан вилоятдаги илғор тадбиркорлар ва ўз ишини бошламоқчи бўлган жисмоний шахслар ҳамда ёш тадбиркорлар ўртасида ўзаро тажриба алмашишга қаратилган келишувлар имзоланишига бағишланган меҳнат ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди ва 20 та келишув шартномалари имзоланди.

Омонбой  
ТЎХТАМИРЗАЕВ

# БОЛАЛАРИ БАХТИЁР ЮРТ – ҚУДРАТЛИ ЮРТ

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади. Президентимиз раҳнамолигида ана шу тамойил асосида мамлакатимизда болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида баркамол инсон қилиб вояга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляётир.

Ҳозирга қадар юртимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича 14 та қонун, Давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, 100 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинганлиги ва БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимизда ратификация қилинган. Бу мамлакатимизда болаларнинг бахтли ҳаёт кечирishiлари учун етарлича ҳуқуқий асослар яратилганидан далолатдир.

Маълумотларга кўра, республикаимизда полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия каби хасталикларга бутунлай барҳам берилган. Охириги йилларда қизамиқ ва қизилча сингари касалликлар умуман қайд этилмаган. Сўнгги ўн йилда ўн ёшгача бўлган болаларда вирусли гепатитнинг “В” тури рўйхатга олинмаган. Кейинги йилларда оналар ва болалар ўлими 3 бараварга камайди, мутлоқо соғлом болалар туғилиши 63 фоиздан ошди.

Шу ўринда бир халқаро эътирофни айтиб ўтиш жоиз. Бир муддат олдин Ўзбекистон “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди. Мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббий ходимлар сони, тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, болаларнинг мунтазам эмлашга қамраб олиниши, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича рейтингда Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг кўплаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.



Буларнинг барчаси Президентимиз раҳбарлигида истиқлолнинг илк йилларида ноқ бошлаб амалга ошириляётган “Соғлом она – соғлом бола” ғоясини ўзида мужассам этган дастур доирасидаги чоратadbirlar самарасидир.

Мамлакатимизда ҳар бир боланинг ўн икки йиллик мажбурий таълим олиши давлат томонидан кафолатланган. Бугун шаҳару қишлоқларда қад ростлаётган замонавий қулайликларга эга таълим масканлари, санъат ва мусиқа мактаблари, муҳташам касб-хунар коллежлари бунга замин яратмоқда.

Қайд этиш жоизки, ўтган йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарт” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида амалга ошириляётган ишларни юксак баҳолаб, бу борада тўплаган тажрибаларни бошқа давлатларга намуна сифатида тавсия этиш мумкин, деган хулосага келгани юртимизда ёш авлоднинг таълим олиши борасида олиб бориляётган эзгу амалларнинг натижасидир.

Болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг энг мақбул воситаси, шубҳасиз, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдир. Сўнгги 10 йил давомида нафақат шаҳарларда, балки

чекка қишлоқларда ҳам фарзандларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Чунончи, янги спорт мажмуалари, соғломлаштириш марказлари қурилмоқда. Маждудлари эса қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган болалар, ўсмирлар ва ёшларни спортга жалб этишнинг дунёда ўхшаши йўқ уч босқичли тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ҳамда “Универсиада” мусобақалари ҳам ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом, бақувват бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутмоқда.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида ҳам ёш оилаларга ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур шароит ва қулайликлар яратиш, оила, маҳалла, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Сирасини айтганда, бугун юртимизда ҳар бир ўғил-қиз меҳр ва эътибордан баҳраманд. Эртаси ўйланган оилада фарзанд тарбияси асосий вазифа сифатида туради. Оила ҳам бир жамият. Демакки, эртасини ўйлаган халқнинг, давлатнинг бугуню келажаги буюк, болалари бахтиёр бўлади.

**Сайидодил САИДИСЛОМОВ,  
Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,  
“Qishloq hayoti” мухбирлари.**

Жиззах Вилояти

Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbirlari тўғрисида”ги Қарорига асосан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида чет тилларни ўрганиш умумтаълим мактабларида дарслар биринчи синфдан ўйинлар тарзида ва оғзаки нутқ шаклида, иккинчи синфдан бошлаб алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш орқали босқичма-босқич олиб борилади.

## «HELLO, KINDER-GARDEN!»

БОҒЧАМИЗ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ БУ СЎЗЛАРНИ ЖУДА ЧИРОЙЛИ ТАЛАФФУЗ ЭТИШАДИ

Шу ўринда айтиш жоиз, мактабгача таълим муассасасининг тайёрлов гуруҳи билан умумтаълим мактабининг биринчи синфгача деярли бир қадам. Демак, мактабгача таълим муассасаси учун ҳам қўлланма бўлиши зарур. Чунки бола-жонлар боғчадаёқ машғулот бошлашса, мактабда тилни тез ва осонроқ ўзлаштиришади.

Муассасамиз жамоаси ҳам қарор моҳиятини тўғри англаб, дарҳол амалий ишлар қилишга киришишди. Тумандаги 1-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Фарида Жўраевани ишга таклиф этдик. Тез фурсатда боғчамизда инглиз тили тўғраги очилди. Ҳозирда бу тўғаракка 22 нафар бола мунтазам қатнашяпти. Уларнинг аксарияти инглизча саломлашишни, нонушта ё тушлик учун дастурхон ёнига таклиф этишни, кундалик турмушда тез-тез қўлланувчи буюм ва нараса номларини яхши ўзлаштириб олдилар.

Яқинда вилоятимизнинг бир гуруҳ инглиз тили ўқитувчилари ва мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари билан чет тилларни ўргатишни ташкил этиш бўйича Навоий шаҳрида ўтказилган ҳудудий семинар-тренингда қатнашдик. Унда болаларга чет тилларни тез, қулай ва самарали ўргатишнинг турли амалиётлари ҳақида кизиқарли, фойдали тавсиялар олдик. Ўзаро мулоқотлар чоғида кўплаб тажрибалар ўргандик. Аини пайтда боғчамизда кичкинтойларга инглиз тилини ўргатишнинг янада самарали усулларини қўллаяпмиз.

Тумандаги барча мактабгача таълим муассасаларида ҳам чет тилини ўргатиш Юртбошимиз Қарори талаблари асосида малакали ташкил этилмоқда. Шундай экан, яқин йилларда боғча болалари ҳам инглизча гаплашса, ажабмас.

**Холида ЭҒАМОВА,  
Пахтакор туманидаги “Зилола” номи мактабгача таълим муассасаси раҳбари.**

# БОҒДА БАЙРАМ САЙЛИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН «ҲАР БИР ФАРЗАНДГА МЕХР, ЭЪТИБОР!» ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА «ТОШКЕНТЛЕНД» БОЛАЛАР ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалок бўлган хизматчиларнинг фарзандлари таклиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида она меҳридан бебаҳра болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, Меҳрибонлик уйларидаги маънавий-ахлоқий, психологик-педагогик муҳитни янада яхшилаш юзасидан амалга ошириляётган ишлар алоҳида эҳтиёжли болаларнинг жамиятга фаол интеграциялашувида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бу борада «Соғлом авлод учун», «Sen Yolg'iz Emassan» жамғармалари каби жа-



моат ташкилотлари томонидан қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳамкорликда ўтказилаётган касблар ярмаркалари, ихтисослаштирилган тиббий кўриклар, ижодий фестиваллар болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Уларнинг тиббий, физиологик,

психологик имкониятига қараб касб-хунарга йўналтириш – доимий эътиборда.

Хайрия тадбири давомида барча аттракцион болаларнинг ихтиёрида бўлди. Кичинтойларга байрам совғалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.**



**Президентимиз Ислон Каримов томонидан истиқлолнинг илк йилларида қабул қилинган фармонлардан бири аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган эди. Ҳақиқатда давлатимиз раҳбари томорқа ёрдамида бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигини инобатга олиб, аҳолининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизимга асос солганди. Натижада томорқа ички истеъмол бозорини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга хизмат қилмоқда, қишлоқ аҳолисининг даромад манбаларидан бири бўлиб келмоқда.**

Бир кўчадаги ўн хонадонда томорқа учун ажратилган ер майдони, шароити, имконияти бир хил бўлса-да, ундан фойдаланиш ва оила бюджетига келадиган даромад турлича. Халқ ибораси билан айтганда, бирида гул бирида чўл. Хўш, бунинг сабаби нимада? Нега бир оила томорқаси ортидан рўзғор тебратаётган, миллионлаб фойда олаётган, замонавий уй қуриб, тўйлар қилаётган бир пайтда ёнидаги қўшнисини бундай қилмайди?

– Ерни бекор қолдириш, умрига завоқ бўлиш – увол, – дейди Қашқадарё вилояти Қосон туманида яшовчи тажрибали деҳқон Содиқ Қаюмов. – Айримлар оёғи остидаги нақд даромадни кўрмайди-да, насибасини бошқа жойлардан қидириб овора бўлади. Шундоқ қўл чўзса етқулик хазинага эришиш ҳар кимнинг астой-

дил тер тўкиб меҳнат қилишига, интилиши ва омилкорлигига боғлиқ. Кўп йиллардан буён 20 сотих томорқамизда плёнка остида помидор етиштирамиз. Ўтган йили октябрь ойида эккан 10 минг тупдан ортиқ помидор ниҳоллари март ойининг дастлабки кунларидан ҳосил бера бошлади.

Содиқ аканинг ҳисоб-китобига кўра, бир туп ниҳолдан олинадиган ҳосил камида 5 минг сўм даромад келтириши керак. 10 минг туп ниҳолнинг ҳар бири ўртача 3 килограммдан ҳосил берса, бу оила истеъмолчиларга 30 тонна сифатли маҳсулот етказиб беради. Бу камида 30 миллион сўм соф фойда дегани.

Ер билан тиллашиб меҳнат қиладиган деҳқон ўз томорқасига ҳам шунчаки ёндашмайди, унга оддий бир юмуш сифатида қарамайди. Аксинча,

худди бизнесдаги каби аниқ ҳисоб-китоб асосида ҳар томонини ўйлаб иш кўради. Ҳар бир экинни экиш муддатига риоя қилади, сифатли уруғдан фойдаланади, агротехник юмушларни ўз вақтида бажаради ва етиштирилган маҳсулотни сотишни ҳам тўғри ташкил этади.

Деҳқонларда “Сифатли уруғ – ҳосилнинг онаси” деган нақл бор. Аммо кўпчилик оилалар юз грамм уруғни фалон сўм маблағ сарфлаб сотиб олгандан кўра, ўзи етиштирган ёхуд қариндош-уруғ, қўшнилардан чиқадиган “жайдари” уруғни экиб қўя қолишни афзал кўради. Оқибатда катта фойданинг йўлини ўзи тўсиб қўяди.

– Бу йил 3,5 сотих ердаги иссиқхонамизда иқлимимизга мос ва ҳосилдорлиги анча юқори бўлган “Рашида” навли минг туп бодринг ниҳоли парваришладик, – дейди Қарши шаҳрида яшовчи Омон Инатов. – Уруғ сифати, нави ва унинг худуд иқлимга мослашувчанлигига эътибор қаратдик. Экиш муддати ва усуллари, озиқлантириш, суғориш, ишлов бериш, касалликларга қарши курашиш каби агротехник тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширганимиз натижасида февраль-март ойларида 3 тоннадан ортиқ ҳосил олдик. Агар уруғ сифатсиз ва паст навли бўлганида ҳосили-

миз бир тоннага ҳам етмасди. Шунинг учун қиммат бўлса-да, фақат сифатли уруғ сотиб оламиз.

Шу ўринда савол туғилади: томорқадан фақат иссиқхона қуриш орқалигина юқори даромад олиш мумкинми? Йўқ. Томорқа бебаҳо бойлик бўлиб, ундан қанчалик унумли ва ўринли фойдаланилса, шунча юқори даромад олиш мумкин. Кунт ва ҳафсала билан томорқадан кетмон кўтарган ҳар бир инсоннинг ҳаммаша дастурхони тўкин, рўзғори обод бўлади.

Китоб туманидаги Гулгунпушт қишлоғи аҳли ҳар йили томорқадан икки марта ҳосил олади.

– Ўтган йили олти сотих ерда 6 тоннага яқин қарам етиштирдик, – дейди шу қишлоқлик тажрибали деҳқон Насим Имомов. – Картошқадан олган фойдани ҳам қўшганимизда, оила бюджетига 2,5 миллион сўм қўшимча маблағ келди.

Бугун машина олган, уй қурган, тўй қилган оилаларнинг аксарияти томорқаси туфайли шундай имкониятларга эга бўлмоқда. Аммо қишлоқда яшаб, 20-30 сотих ери бўла туриб, ҳатто бир боғ кўк пизни бозордан харид қилаётган оилалар ҳам йўқ эмас. Янги узилган сабзавотни истеъмол қилиш инсон организм-

мига ҳар томонлама фойдали экани ҳаммамизга яхши аён-ку. Қолаверса, томорқадан иш яхши ташкил этилса, хонадоннингизда ҳар доим етарли миқдорда витаминларга бой маҳсулотлар бўлади, оила бюджетининг сабзавотларга кетадиган қисмини тежаш орқали муайян миқдорда маблағ тўпланади. Бозорга бориш учун йўл босиш, вақт ва пул сарфлаш каби қанчадан-қанча оврагарчиликларга ҳожат қолмайди.

– Бугунги кунда вилоятимизда 362,5 минг хонадон ихтиёрида 37,1 минг гектар шахсий томорқа мавжуд, – дейди Қашқадарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А.Орипов. – Жорий йилда аҳоли томорқаларида мева-сабзавот, полиз, узум ва картошка етиштиришни кўпайтириш ҳамда ҳосилдорликни 320 минг 890 тоннага етказиш кўзда тутилмоқда.

Таҳлилларга кўра, жорий йил вилоятда аҳоли томорқаларидан олинадиган даромад 282 миллиард сўмга етиши ва ҳар бир оиланинг йиллик фойдаси 778 минг сўмни ташкил этиши кўтилмоқда. Шу кунларда аҳолининг томорқадан самарали ва мақсадли фойдаланишини янада ошириш мақсадида уруғлик, кўчат ва минерал ўғитлар юздан зиёд маҳсул дўкон орқали етказиб берилмаётган.

Ҳа, мамлакатимизда томорқа хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кенг имкониятлар яратилаётган. Шундоқ қўл остидаги хазина – томорқа деярли ҳамма оилада бор. Ҳаммаси ўзимизнинг истак-хоҳишимиз, интилиш ва ҳаракатимизга боғлиқ.

Шу билан бирга, бугун қишлоқ аҳли фақат томорқага кўз тикиб ўтиргани йўқ. Кичик ва хусусий корхоналар очиш, оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари ҳам кенг ривожланмоқда. Демак, одамларнинг дунёқарши ўзгармоқда. Бу – давр талаби бўлиб, “бизга шу ҳам бўлаверади” деган қараш энди эскирганидан далolat беради. Зотан, Президентимиз раҳнамолигида қишлоқларимиз қиёфасини ҳар жиҳатдан ўзгартириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар ўз самараларини бераётган.

**Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,  
ЎЗА мухбири.**

Сурхондарё вилояти

ЕНГИЛ КОНСТРУКЦИЯЛИ ИССИҚХОНАДАН САЛМОҚЛИ ДАРОМАД

## ОҚСОҚОЛ ГАПДА ЭМАС, АМАЛДА НАМУНА БЎЛДИ

**Термиз тумани Аму соҳили маҳалласида яшовчи Бобомурод Нуралиев 15 сотих томорқасининг бир қисмида иссиқхона ташкил этиб, унда эртаги помидор, бодринг ва саримсоқпиз етиштиради. Қолган қисмига эса картошка, қарам, ерэнгоқ каби экинлар экиб, мўл ҳосил оляпти. Шунингдек, 2 бош сигир, 5 бош қўй ва 20-30 бош парранда боқиб, йилига 18-20 миллион сўм даромад олмоқда. Мухими, ҳалол меҳнати эвазига оиласига барака ва файз киритяпти. Шу маҳаллада яшовчи Маматқул Тўрақулов, Мустафоқул Маматовлар ҳам томорқаларидан ҳар йили ўртача 20-25 миллион сўмдан даромад олишяпти. Бу даромадларига шинам уйлар қуриб, янги автоуловлар олиб, элга тўйлар беришмоқда.**

Энг асосийси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўра Маматмўминов бу соҳада ҳаммага ибрат бўлмоқда. Ҳар йили томорқасининг асосий қисмига қарам экиб, 20 миллион сўм даромад кўрадиган оқсоқолнинг ҳозирда умумий саҳни 8 сотихлик иссиқхонасида помидорлар ҳосилга кирган. Бултур экилган лимон кўчатлари ҳосили даромадни янада оширади.

– Уч йил олдин моддий ёрдам сўраб, маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилгандим, – дейди фуқаро Нуриддин Ашуров. – Оқсоқол мен билан суҳбатла-

шиб, уйига олиб борди, ўзи каби иссиқхона қуришни маслаҳат берди. У кишининг бевосита қўллаб-қувватлаши ва йўл-йўриғи билан 6 сотихда иссиқхона барпо этиб, помидор, бодринг етиштиришни бошладим. Мана, қисқа муддатда иссиқхонадан мўл ҳосил олиб, турмушимизни яхшилаб, ҳатто “Дамас”ли ҳам бўлдик. Насиб бўлса, энди замонавий тарзда бунёд этилаётган шинам уй-жойлардан сотиб олмоқчимиз.

Катта қарвон изидан кичик қарвон юради, деганларидек, маҳалла фуқаролар

йиғини раиси ва қўшнилардан ибрат олган Эркин Ашуров, Зумрад Эшназарова, Жўра Рўзиевлар ҳам 5-6 сотих жойда иссиқхона ташкил этиб, бугунги кунда ундан икки-уч марта ҳосил олишмоқда.

2012 йилда ушбу маҳаллада 80 та хонадонда иссиқхона қурилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 119 тага етди. Бу эса Аму соҳили маҳалласида баъзи жойларда бўлгани каби одамларда боқимандалик кайфияти йўқлигидан, ёшу қари яратувчилик, деҳқончилик ишлари билан машғулликдан далolat беради.

– Туманимизда Обод турмуш йилида ихчам иссиқхоналар ташкил этишга янада катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Тўра Маматмўминов. – Бунинг учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиб, шахсий томорқа эгалари 70 миллион сўм миқдоридан маблағ билан қўллаб-қувватланиши кўзда тутилган. Маҳалламиз аҳли бу имтиёзлардан ҳам муносиб фойдаланишади, деб ўйлаймиз.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.**



Бухоро Вилояти


Мубин Маҳкамовнинг мутахассислиги зоотехник. Узоқ йиллар паррандачилик корхоналарида ишлаган. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилгач, 2000 йилда Бухоро тумани Шеҳонча ҚФЙ ҳудудида ўз фермер хўжалигини ташкил этди. Унга «Мурғак» деб ном берди.



Дастлаб тухум етиштиришга мўлжалланган товуклар парвариши билан шуғулланиб, қўлга киритилган даромад ҳисобидан хўжаликнинг мод-

дий-техника базасини мустаҳкамлади. Янги бино қурди. Паррандалар учун омихта ем тайёрлаш ва инкубатория цехларини қайта таъмирлаб, ишга

туширди. У хўжалигида паррандачилик тармоғининг янги қирраларини очишга ҳаракат қилмоқда. Мана беш йилдирки, бедана боқиш, паррандаларни инкубатория усулида кўпайтириш билан шуғулланиб келади. Ҳозир бу ерда 5,5 минг бош парранда парвариш қилиняпти. Йилига 600-700 минг дона тухум ва 20-25 минг дона бедана гўшти ишлаб чиқарилади.



# Митти беданадан... улкан туяқушгача

— Маҳсулотларнинг асосий қисмини буюртмалар асосида Тошкент шаҳри ва қўшни вилоятлардаги мижозларимизга етказиб беряпмиз, — дейди фермер. — Қолганини ички бозорга чиқарамиз.

Шунингдек, хўжалик қошидаги инкубаторияда ҳар мавсумда 12-14 минг дона бедана тухумларидан чиққан полапонлар турдош корхона ва аҳолига сотилади. Бу борадаги ишларда Мубин акага ўғли, олий маълумотли мутахассис Азизбек яқиндан кўмакчи бўляпти. Фермер ўз хўжалигида паррандачиликнинг яна бир йўналишига асос солди. Ҳозирда бу ерда 6 бош туяқуш ҳам парвариш қилинмоқда.

— Кўлаб давлатларда туяқушлар асосан тухум ва гўшт йўналишида парвариш қилинади, — дейди у. — Уларнинг териси ҳам қимматбаҳо саноат хомашёси саналади. Қолаверса, бу паррандаларни яхши парваришласангиз, бир ярим йилда 100 килограммгача парҳез гўшт бериши мумкин. Туяқушнинг 60 йил умр кўриши ва 40 йил мобайнида тухум беришини, яшаш тарзи воҳамиз иқлим шароитига жуда мос келишини ҳисобга олсак, унинг фойдали жиҳатлари кўпроқ намоён бўлади. Тухум, гўшт ва териси жуда юқори баҳоланади.

Ҳозирда фермер туяқуш тухумларини инкубатория шароитида жонлантириш, полапонларни парваришlash ва улар-



## ЭНГ КАТТА ВА ЭНГ ҚИММАТ ТУХУМ

Энг катта тухум ҳисобланадиган туяқуш тухумининг оғирлиги 1,2-1,5 килограммгача, энг катталари эса 2 килограммгача бўлиши мумкин. Туяқуш тухумининг пўчоғи жуда мустаҳкам бўлиб, қалинлиги 0,6 миллиметрга тенг. Ана шу хусусиятлари туфайли ушбу тухумларни 10°C ҳароратда 2-3 ой сақлаш мумкин. Бир дона қовурилган тухумдан 10-12 киши тўяди. Туяқуш тухумининг нархи арзон эмас. Уни асосан ресторанларда, даромади ўртача бўлган одамлар эса уни фақат катта тантаналарда истеъмол қилишлари мумкин. Туяқуш фақат ёзда тухум қўяди, шунинг учун туяқуш тухумини кишида топиш имконияти йўқ. Бошқа қушларнинг тухумларига қараганда, туяқуш тухумлари таркибида холестерин ва ёғ, кислота миқдори кам, шунинг учун улар парҳез маҳсулотлари қаторига кирилади. Овқатда фақат уруғланмаган туяқуш тухумлари истеъмол қилинади. У нафақат қовурилган ҳолда, балки салатлар масаллиги сифатида ишлатилади. Бир дона туяқуш тухумини қайнатиш учун 45 дақиқа вақт кетади. Африка мамлакатларида бу тухумлар пишириқлар ва нон ёпишда қўлланилади. Шу билан бирга, туяқуш тухумларидан сувенир ва майда-чуйда буюмлар (лампа, қорачиқроқ) ясалади. Уларнинг устига ўйиб гул туширилади. Бундай маҳсулотларга ҳам талабгорлар топилиб туради.

ни кўпайтириш устида иш олиб борапти.

— Юқорида таъкидлаганимдек, паррандачиликнинг йўналишлари кўп, — дейди Мубин ака. — Яқин келажақда тўти,

тувалок, тустовук, каклик каби қушларни ҳам келтириб хўжалигимизда парваришlashни режалаштириб туримиз.

**Хамроз АЛИ,**  
«Qishloq hayoti» муҳбири.

## МИТТИ ТУХУМНИНГ ХИСЛАТИ КЎП

Бедана танасининг узунлиги 16-20 см.ни, оғирлиги 80-145 граммни ташкил этади. Бедана бир йилда 250-300 дона тухум қўяди. Тухуми кичкинагина бўлиб, учтаси бир товук тухумига тенгдир. Тухумининг оғирлиги 8-14 грамм бўлса, сўйилган бедана гўштининг оғирлиги 100-120 грамм келади. Бедана 50-60 кунлик даврдан (товук 120-180 кундан кейин) бошлаб тухум қўяди. Бедана тухуми товукникига нисбатан бир неча баробар фойдали ва ажойиб хусусиятларга эга. Товук тухумига қараганда бедана тухуми таркибидаги калий 5 баробар, темир 4,5 баробар, В1 ва В2 витаминлари 2,5 баробарга кўп бўлиб, А витамини, никотин кислотаси, фосфор, мис, лизоцим, кумуш ва бошқа аминокислоталар ҳам анчагина. Оқсил моддаси ҳам бошқа паррандалар тухумига нисбатан анча юқори. Масалан, товук тухумида оқсил моддаси 55,8 фоизни ташкил этса, бедана тухумида 65 фоизни ташкил қилади. Бедана тухуми одам учун зарур бўлган, экологик тоза ва биологик жиҳатдан тўйимли маҳсулот ҳисобланади.



Сирдарё Вилояти

# ЭЪТИБОР БЎЛГАН ЖОЙДА, ҚУЁНЧИЛИК ҲАМ ФОЙДА

«Қуйи Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги «Сирдарё» насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси жамоаси ўз зиммасига юклатилган вазифадан ташқари яна бир хайрли ишни амалга оширмоқда. Яъни бошқарманин туманлардаги участкаларида қуёнчилик фермалари ташкил этилиб, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамоа дастлаб ишни 2008 йилда Гулистон тумани участкасида 50 бош қуён парваришидан бошлашганди. Жониворлар вақтида ветеринар назоратидан ўтказилди, қатъий рацион асосида боқилди. Ҳар бир қуён йилига 20 тадан болалади. Қисқа даврда қуёнлар сони 600 бошдан ошиб кетди.

Қуёнчиликда тўпланган тажриба ҳамда соҳанин сердаромад эканлиги сабаб бошқарманин Мирзаобод, Боёвут, Ховос туманлари участкалари ишчи-хизматчиларини ҳам жуда қизиқтириб қўйди. Боёвут, Ховос ва Мирзаобод туманлари участкаларига 50 бошдан қуён келтирилиб, ёрдамчи хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилди.

— Олти ой боқилган қуён 3,5-4 килограмм тош босади, — дейди Гулистон тумани мелиоратив тик қудуқлар участкаси қуёнбоқари Хусанбой Жуманов. — Гўшти парҳезбоғлиги жиҳатдан товук гўшtidан устун туради. Ошқозон-ичак, жигар касалликлари, қон босими билан даволанаётган беморларга даво, тез ҳазм бўлади.

— Қуёнчилик ёрдамчи хўжаликлари миздан мўмайгина даромад оляпмиз, — дейди «Сирдарё» насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси касабачи уюшма кўмитаси раиси Пиримкул Дўстмаматов. — Ана шунинг ҳисобидан 2012 йилда 7 та, бу йил Наврўз байрами арафасида 5 та кам таъминланган

оила фарзандларининг суннат тўйлари ни ўтказиб бердик. Бундан ташқари, бошқарма қошидаги ошхонага 500 килограммдан ошқ қуён гўшти етказиб бердик. Шу йилнинг ўзида эса 200 бош қуённи харидорларга сотиб, олинган фойда ҳисобига Сирдарё ва Боёвут туманларидаги участкалар ишчиларини сут маҳсулотлари билан таъминlash мақсадида 2 бош сигир олдик.

Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармасида қўй, эчкичилик ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиб, аҳоли ва ишчи-хизматчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эътиёжи таъминотини янада кўпайтириш чоралари кўриляпти. Чунончи, бошқарманин Сайхунобод, Сирдарё туманларидаги участкаларида қўйлар 100 бошга, эчкилар ҳам 100 бошга етказилди. Келгусида Сирдарё, Сайхунобод туманларидаги участкаларда ҳам қуёнчилик ёрдамчи хўжалигини ташкил этиш кўзда тутиляпти.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр № 001974-01, 15.01.2008 й.) рўйхатга олинган «IMPEX TRANS SERVICE» МЧЖ устав фонди 1 050 000 сўмдан 350 000 сўмга камайитрилишини ва ташкилий-хуқуқий шакли ХКга ўзгаришини маълум қилади. Давъолар 984-14-35 телефони орқали қабул қилинади.

ООО «CONTEMP BUILDINGS» (СТИР 302030602), соообщает об уменьшении уставного фонда общества с 219 978 982 сум до 78 240 470 сум.

Негосударственная некоммерческая организация «BLUE MOUNTAIN-KOREA» (ИНН 301736159), расположенная по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н ул. Ош детский сад 11, зарегистрированная ИПСР Хамзинского р-на от 15.11.2010 г., реестр № 003048-07, ликвидируется (решение учредителя о добровольной ликвидации от 29.05.2013 г. № 1). Утерянный угловой штамп ННО «BLUE MOUNTAIN-KOREA», считать недействительным. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 127-19-29.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 20.05.2013 й.даги 10-1214/25732-сонли ақримига асосан Тошкент шаҳридаги «VIMM-BILL-DANN TOSHKENT» МЧЖ чег эл корхонасини банкрот деб эътироф этилган ва тугатиш бошқарувини этиб К.Г.Эргашев тайинланган. Манзил: Тошкент ш. Яққасарой т. Ж.Шошый 2-тор кўч. 3/13. Тел.: (998-93) 510-16-85.

ООО «GOLDEN GLOW GROUP» (ИНН 302325081) Чиланзарского р-на г. Ташкента соообщает об уменьшении уставного фонда 250 000 000 сум до 84 239 680 сум.

ООО «STROYMEDREM» (ИНН 301207444), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на (№ 004735-04, 02.06.2009 г.), ликвидируется (протокол собрания учредителей № 18 от 15.05.2013 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 359-13-79. Адрес: м-в Буюк Ипак йули д. 47.

ООО «OLCHAZOR KESH» (ИНН 302150294), зарегистрированное ИПСР Сергелийского р-на г. Ташкента (реестр № 003265-06, 07.12.2011 г.), расположенное по адресу: ул. Олчазор д. 68, соообщает о своей реорганизации путем изменения названия в ООО «ДОКТОР ТОШ». ООО «ДОКТОР ТОШ» является правопреемником по всем правам и обязанностям ООО «OLCHAZOR KESH». Претензии принимаются по тел.: 150-54-31 в течение 3 месяцев.

Тошкент ш. Миробод т. Давлат Солиқ Инспекцияси Миробод туманидан рўйхатдан ўтган «BRUZ PI» ЕАЖ (СТИР 202913953) қўша корхонасига тегишли бўлган барча кимматли қозғалар йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.



## «KOHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҚАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Жиззах вилояти Пахтакор тумани ҳокимининг 13.05.2013 йилдаги 02-149-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.**

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун, Пахтакор тумани Галаба ҚФЙ ҳудудидда жойлашган 1 дона умумий ер майдони 98,0 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 28 714 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Пахтакор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб ва 2013 йил 1 июль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 2 июль куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 2 июль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари 2013 йил 2 июлдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 18 июль куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 17 июль соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Пахтакор тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 18 июль куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 18 июль куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини АТИБ "Ипотекабанк" Жиззах вилояти филиалидаги МФО 00122, СТИР 207122519, 22626000804920609001 х/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманомана билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

- *юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*  
